

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (11.149)

Баҳоси эркин нархда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистондаги рус маданият маркази томонидан Россия элчихонаси ва «Росзарубежцентр» ваколатхонасининг қўллаб-қувватлаши остида «Ёшлар ва замонавий дунё мавзусида олий ўқув юртлирари оилмий-амалий конференция ўтказилди.

● Урганч шаҳрида «Европа тажрибаси асосида Ўзбекистон олий ўқув юртлирида баҳолаш тизимини кўриб чиқиш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Европа Иттифоқининг «Tempus» лойиҳаси ҳамда республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда Испания, Нидерландия ҳамда австриялик олимлар, Урганч Давлат ва Тошкент Ахборот технологиялари университетларининг Урганч, Нукус филиалларидан вакиллар иштирок этди.

● Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш шароитида сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари билан алоқаси: қонуний асослар, тажриба ва вази фалар» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

● Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган худудий саноат ярмаркасида йирик корхоналардан ташқари, 60 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз махсулотларини намойиш этишди.

● Тошкентдаги «Инсонийлик» ўқув-услубий марказида оммавий ахборот воситалари ёш ҳодимлари иштирокида халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой кунига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Ушбу тадбир халқаро жамият ва ҳаракатнинг 145 йиллигига бағишланган бўлиб, учрашув чоғида журналистларга халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг жаҳондаги ва Ўзбекистондаги фаолият йўналишлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

● Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига «Тўлабжувоз» маҳалласида истикомат қилувчи отахон Бурхон Жалилов 1 миллион сўм хайрия ёрдами кўрсатди. Бу маблағга Меҳрибонлик уйининг иситиш тизими капитал таъмирдан чиқарилди, кўнгли ўқиск болажонлар учун бир қатор мусика анжомлари харид қилинди.

● Беқешт шаҳрида жойлашган «Зафқо» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси Қарши туманидаги «Пахтакор» ҳамда «Нукуробод» кишлоқларида ўзининг шўба корхоналарини очди. Ушбу кичик корхоналарда кичик қўлсочиклар, синтетик материал солинган ёстиқлар, чойшаб ва бошқа тикувчилик махсулотлари тайёрланмоқда.

## ЖАҲОНДА

● Ўз мажбуриятларини бажаришга киришган Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев Давлат думасига собик давлат раҳбари Владимир Путин номзодини ҳукумат раиси лавозимига киритди. Бугун федерал парламентнинг куйи палатаси депутатлари В.Путиннинг номзодини кўриб чиқишди.

● Италия Бош вазир Сильвио Берлускони янги Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириши жараёнида амалдаги бир неча вазирни ўз жойида қолдирди.

● Бутунжаҳон банки президенти Р.Зеллининг таъкидлашича, жаҳондаги озик-овқат таназзули 2015 йилга қадар давом этади.

● Бугун Европа мамлакатларида фашизм исканжасидан халос бўлинган кун кенг нишонланди.

● АҚШ ҳарбий кучлари сешанба кuni 3,5 минг америкалик ҳарбий хизматчини Ироқдан олиб чиқиш ҳақида хабар берди. Ушбу ҳарбийларнинг қайтиши АҚШнинг 2007 йил бошида Ироқда вазият оғир бўлган пайтда юборишга мажбур бўлган 30 минг кишилик ҳарбий контингентни босқичма-босқич ортга қайтариш режасига тўғри келади. Бироқ ушбу режа АҚШнинг Ироқда қолган асосий кучларига тааллуқли эмас.

● Бугун «Пекин – 2008» Олимпиадаси машъаласи Ер қуррасидаги энг баланд нуқта – денгиз сатҳидан 8844 метр юқорида жойлашган Эверест чўққисига етказилди.

● Коррупция бўйича махсус трибунал текширувидан сўнг Ирландия Бош вазир Берти Ахерн мамлакат президентиға лавозимдан кетишини сўраб ариза берди. 1996 йилдан буён ҳукуматни бошқариб келатган Б.Ахерн бундан бир неча ой муқаддам коррупцияда айбланганди. Маълумотларға кўра яқин кунларда Ирландия молия вазир Брайан Кауен Бош вазир лавозимини эгаллаши мумкин.

● Хитой, Япония, Жанубий Корея Жанубий-Шарқий Осиёға қарашли яна ўнта давлат Уюшмаси 80 миллиард доллар ҳажмидаги жамғарма тузишға келишиб олди. Мазкур жамғармани ташкил этишдан мақсад рўй бериши мумкин бўлган молиявий тангликнинг олдини олишдир. Жамғарма таркибининг 20 фоиз маблагини Уюшмага аъзо давлатлар ва 80 фоизини Осиёдаги учта энг йирик иқтисодий етакчи давлат сармоясини ташкил этади.

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА  
ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ  
УЮШМАСИ ТОМОНИДАН МУСТАҚИЛ БОСМА  
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛARI VA АХБОРОТ  
АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ VA  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИҚДА ХОТИРА VA ҚАДРЛАШ КУНИГА  
БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



### АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Унда матбуот соҳасида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолдин Ҳақимов, фахрий журналистлар Мақсуд Қориев, Холида Аҳорова, Владимир Дементьев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни изчил ривожлантириш, унинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганини таъкидладилар.

Бу йўналишдаги ишлар ёши улуг журналистларни эъзозлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш каби эзгу юмушларға ҳамоханг тарзда амалга оширилаётгани эътиборға моликдир.

Учрашувда фахрий журналистларға эсдалик совғалари топширилди.  
Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

ХОТИРА АЗИЗ VA МУҚАДДАСДИР. БИЗНИНГ АҲДОДЛАРИМИЗ  
ҲАМИША УЗОҚНИ КўЗЛАБ ЯШАГАН. МИЛЛАТ, ВАТАН, ХАЛҚ  
ИСТИҚБОЛИ ДЕГАН МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАР ҲАММА ВАҚТ  
ҚАЛБИМИЗНИНГ ТўРИДАН ЖОЙ ОЛИБ, ҲАР БИРИМИЗНИНГ  
ХАЁЛИМИЗДА, ОНГИМИЗДА ЧАРХ УРИБ ТУРИШИ КЕРАК. ХОТИРАСИЗ  
БАРКАМОЛ КИШИ БўЛМАГАНДЕК, ЎЗ ТАРИХИНИ БИЛМАГАН  
ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАМ БўЛМАЙДИ.

## ХОТИРА — АБАДИЙ, ҚАДР — МУҚАДДАС

9 май—Хотира ва Қадрлаш кунига мамлакатимизда кенг миқёсда байрам сифатида нишонланмоқда. Кеча мазкур сана муносабати билан Республика Маънавият тарғибот маркази ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда иккинчи жаҳон урушида халок бўлган юртдошларимизни хотирлаш, руҳларини шод этиш, улар билан елкама-елка туриб курашган, бугун бизнинг орамизда шундай дориломон кунларға етиб, кексалик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, ҳурматлаш ва қадрлаш мақсадида Хотира майдонида «Хотира—абადий, қадр—муқаддас» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этишди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, коллеж, лицей ва мактаблар, ҳарбий билим юрти курсантлари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этдилар.

Инсон маънавияти ўз хотиралари манбаида ривож топади. Хотира ҳам, қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улуг неъматини, ҳеч қачон унутилмайдиган, абадий ва ардоқли одамийлик медалларидир. Ушбу тушунчалар негизида инсонға, унинг хотираси, кадр-қимматиға эҳтиром туйғуси муҳассас.

—Мен шундай дориломон кунларда яшаётганимдан беҳад хурсандман, мустақил Ўзбекистонимиздаги янгилашлар, қайта қурилушлар, ободончиликларни кўриб қувонаман,— дейди биз билан суҳбатда мазкур тадбир иштирокчиси Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикри Мухаммаджонов.—Хурматли Президентимизнинг 1999 йил 3 мартдаги Фармониға биноан 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунига байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Шунингдек, юртимизда Хотира ва Қадрлаш кунига арафасида бир қатор хайрли ишлар амалға оширилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда, моддий рағбатлантиришмоқда. Ўтганлар хотираси ёдға олиниб, триқлар қадрланмоқда, уларға ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишмоқда. Булар барчамизни қувонтирмоқда. Юртимиз

тинч ва фаровон. Ёшларимиз нақадар ҳушқачқак ва бахтиёр. Уларға қараб ҳавасинг келади. Дунёда энг дахшатли нарса—бу уруш. Илоҳим юртимизда тинчлик-осойишталик абадий бўлсин, ҳеч қачон уруш бўлмасин. Мана шу ёруғ ва бахтиёр ҳаётимизнинг қадриға етайлик.

Тадбир иштирокчилари шу кунги Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойғиға гуллар қўйдилар. Хотира хибобини айланиб, ўтганлар руҳини ёдға олдилар. Шунингдек, фахрийлар ёшларға уруш хотираларидан сўзлаб, жанг майдонларида шахид кетганларнинг номи қайта тикланиб, шу ердаги хотира китобига қайд этилганлигини, бу жой эндиликда кутлуг ва муқаддас қадамжого айланганлигини таъкидладилар.

Хотира ва Қадрлаш кунига арафасида бундай тадбирларнинг ташкил қилиниши юртдошларимиз, айниқса эртанги кунимиз ағалари бўлган ёшлар қалбида меҳр-шафқат, мурувват, ўзлигини англаш, ҳаётнинг қадриға етиш хиссини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Дилором ИКРОМОВА

НУРОНИЙЛАР ДОИМ АРДОҚДА  
РЕСПУБЛИКА УРУШ VA МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ПАНСИОНАТИДА  
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ ТОМОНИДАН «ДОИМО  
АРДОҚДАСИЗ» МАВЗУИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кексаларға ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиши, уларни ардоқлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишға алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 24 апрелда қабул қилган «Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони юртимизда ёши улуг кишилар, уруш

ва меҳнат фахрийларини ардоқлаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалдаги тасдиғидир.

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истикомат қилаётган нуронийларнинг кўнглидаги дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида мусиқий дастур намойиш этилди.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунини Янгиликлар, воқеалар


ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ  
ТИБИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК  
ЛИЦЕЙ  
МАМЛАКАТИМИЗДАГИ  
НУФУЗЛИ ЎҚУВ  
ДАРГОҲЛАРИДАН БИРИДИР.

### ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

540 ўқувчиға мўлжалланган лицейда табиий фанлар йўналиши бўйича таълим берилади. Бу ердаги энг илгор техник жиҳозлар, жумладан, 6 та лингафон ва 4 та компьютер хоналари, биология, кимё ва физика ўқув ҳамда лаборатория хоналари, мультимедиа системаси, радио, телемарказ ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, лицейда «Маънавият ва маърифат» маркази, кутубхона ва спорт зали ишлаб турибди.

Ўқув даргоҳининг тажрибали ўқитувчилари ўқувчиларға пухта таълим беришға катта эътибор қаратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадасида мазкур академик лицей ўқувчилари — Анвархўжа Мақсудхўжаев Олимпиаданиннг олтин, Равшан Мирзаев эса кумуш медалиға сазовор бўлган ҳам фикримиз далилидир.



Ушбу кувончли воқеа муносабати билан лицей жамоаси Анвархўжа Мақсудхўжаев ва Равшан Мирзаевни кутлашди. Тадбирда улар эришган муваффақият ўқув даргоҳиға, мураббийларға, мамлакатимизға катта шараф келтирганини таъкидланди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадасида кумуш медални қўлга киритган Равшан Мирзаев ва олтин медалга соҳиб би Анвархўжа Мақсудхўжаев. Анвархўжа Мақсудхўжаев ва Равшан Мирзаев дўстлари даврасида.

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар



### Кекса сатрларда

● БУГУН Ҳамза туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими билан ҳамкорликда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Инсон хотираси муқаддас — инсон қадри улуг» деб номланди.

● БУГУН Миробод туманида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб туман фаоллари, фахрийлар иштирокида ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ туман бўлими билан ҳамкорликда уюштирилди.

● БУГУН Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқувчилари ўртасида Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» курик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## ДИПЛОМАТЛАРИНИНГ МАДАНИЙ ФЕСТИВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ  
ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАБУЛЛАР  
УЙИДА МАМЛАКАТИМИЗДА  
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ДИПЛОМАТИК  
КОРПУС ВАКИЛЛАРИНИНГ МАДАНИЙ  
АНЪАНАЛАР VA МИЛЛИЙ ТАОМЛАР  
ФЕСТИВАЛИ БўЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Россия, Туркменистон, Корея Республикаси, Миср, Хиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Украина, Польша, Чехия, Индонезия, Италия, Вьетнам, Бангладеш, Туркия каби йилгирмадан зиёд давлатнинг Тошкентдаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари И.Незьматов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни, ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашға катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда Байналмилал маданият маркази, қўллаб-қувватлаш маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда турли мамлакатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари, миллий либос ва таомлари намойиш этилди.  
— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивал Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамлашиға хизмат қилади, — деди Туркменистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва муқтор элчиси С.Пирмухамедов. — Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояға етиши учун барча шароит яратилган. Ёшларни Ватанға, миллий анъаналарға садоқат, умминсоний қадриятларға ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинға лойиқдир.

(ЎЗА)

# 9 май — Хотира ва Қадрлаш кун ФАХРИЙЛАР КЎТЛАНДИ

**БУГУНГИ КҮН ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАШ БИЛАН БИРГАЛИҚДА БАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ҚҮРБОН БЎЛГАН ФИДОЙИ ИНСОНЛАРНИ ЁДГА ОЛИШ, УЛАРНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ, ТИРИКЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ БИЗ УЧУН ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗДИР. МАНА ТЎҚҚИЗ ЙИЛДИРКИ ЮРТИМИЗДА 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА НИШОНЛАНИБ КЕЛМОҚДА.**

Кунчи кеча шахримиздаги Фаттоҳ Назаров номидаги 23-мусика мактабиди ҳам «Хотира муқаддасдир» мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда, Маънавият тарғибот маркази Шайхонтоҳур туман бўлими раҳбари Сабоҳат Ҳамидова, бош мутахассис Азиза Убайда, «Бог кўча» маҳалласи фуқаролари йигини раиси Гулсара Жўраева, «Офис-маркет» фирмаси директори Хасан Мамасидов сўзга чиқиб, Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан тадбирга ташиф буюрган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини табриклаганди.

—Инсон ҳаёт гултожи. Унинг қадри, хурмати ҳар доим эъзозга лойиқ. Айниқса ўтганларни хотирлаш бизнинг азалий бурчимиздир.—деди 23-мусика мактаби директори Олим Муҳиддинов. —Мамлакатимиз фуқаролари айниқса уруш қатнашчиларининг шаънига меҳрдан ҳайкал қўйса арзийди. Зеро инсон азиз экан, уни муносиб эъзозламоқ йўлидаги бугунгидек сый-ҳаракатлар ҳам эъзуглик хизмат қилади. Бу ёруғ дорилмомон кунлар йўлида қурбон бўлган руҳини шод этиш, мўътабар кексаларини дуоларини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шуқроналик туйғуларини ҳис этишдек, бизга катта қувонч бағишлаган, руҳимизни пок этиб, ёшларни янги бунёдкор-

ликларга чорлаган миллий ифтихор, гурур туйғулари бизни ҳеч қачон тарқ этмасин.

Тадбир давомида уруш қатнашчилари Идея Кожевникова ва Елена Волова ҳам сўзга чиқиб II жаҳон урушининг янгилик кечмишларини йилганларга сўзлаб бердилар. Жумладан, улар бугунги мустақил ва озод кунларимизнинг қадрига етиш, ўтаётган ҳар бир кунимизга шуқроналар келтириш, ёшларимизни Ватанга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш ҳақида ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Тадбирда 23-мусика мактаби ўқувчилари ва мазкур мактаб қошида ташкил қилинган «Настирон» гуруҳи аъзолари ўзларининг концерт дастурларини намойиш этдилар. Жумладан улар ижросида янграган «Настоящий друг», «Память», «Дейдье», «Ватаним», «Мафун бўлдим», «Ялама ёрим», «Частушка» каби куй-қўшиқлар ва дилбар рақслар йилганларни янада ҳушнуд этди.

Тадбир низоҳида «Офис-маркет» фирмаси томонидан ажратилган совғалар уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



## ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

**МЕХР-МУҲАББАТ, ОҚИБАТ БОР ЭКАН ҲАЁТИМИЗ ГЎЗАЛ ВА МАЗМУНЛИ, ТИНЧ ВА ФАРОВОНДИР. САБР-БАРДОШ, МАТОНАТ БОР ЭКАН, ОИЛАЛАР МУСТАҚАМ, ФАРЗАНДЛАР БАРКАМОЛ ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. ОДАМЗОТГА БИР МАРТА БЕРИЛАДИГАН ГЎЗАЛ ҲАЁТНИ КИМ ҚАНДАЙ ЯШАБ ЎТАДИ, БУ ИНСОННИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ АЛБАТТА.**

Барчамизга маълум, ота-боболаримиз, бувиларимиз қонли уруш даҳшатларини, қаҳатчилик, очарчилик даврларни бошдан кечирганлар. Ҳеч қандай шароит бўлмаган пайтларда етти, саккиз, ҳатто ўн талаб фарзандларини оқ ювиб, оқ тараганлар, меҳр бериб қонил инсон қилиб тарбия берганлар. Турмуш қийинчиликларини сабр-бардош, матонат билан енгиб, бориға шукр қилиб яшаганлар. Уйил-қизлар ҳам шу муҳида катта бўлиб, ҳаётнинг аҳси-ёмон кунларини тушуниб, ота-оналарига сунъч бўлишган. Ёруғ кунлар умиди билан яшаганлар.

Шахримизнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилган Содиқхўжа Тошқўжаев ҳам биринчилардан бўлиб иккинчи жаҳон урушига кетиб Воронеж, Курск шаҳарларида бўлиб ўтган қонли жангларда иштирок этди ва 1943 йил ярадор бўлиб қайтиб келди. Уруш даҳшатларини бошдан кечирган Содиқхўжа ака уйига қайтган, ханговар дўстларининг соғ-омон, галяба билан қайтишини умид билан кутди. Ўзини меҳнат билан овутишга уринди, ишга жойлашиб, кейинчалик Каримахон опа билан турмуш қуриб, кўп йиллар тотув ва бахтли турмуш кечирди. 13 фарзанд қўриб, уларни ўқитиб, хунар ўргатиб, қонил инсонлар қилиб тарбия қилди.

Ҳа, ўн уч нафар фарзандни вояга етказишнинг ўзи бўлмас керак албатта. Айниқса урушдан кейинги қийин даврларда.

—Отамиз ниҳоятда меҳрибон, саховатли, ишнинг кўзини биладиган, меҳнатқаш ва қувноқ инсон эдилар — деб хотирлайди Содиқхўжа отанинг қизлари Дилфузахон Азимова.— Биз ўн уч фарзандга онамиз Каримахон ая билан яшати тарбия бердилар. Бизларни ҳалолликка, тўғриликка, меҳнатсеварликка, айниқса ҳаётда камтар ва сабри бўлишга ўргатиб келдилар. Доимо саховатли, кенг феълли бўлишни насихат қилдилар. Шу боис биз фарзандлар оилада аҳил ва тотувликда яшаб, ханузгача бир-биримизга меҳр-оқибатлимиз. Отам кўп йиллар Чилонзор туманида раҳбарлик ишларида ишлаб фарзандларнинг ҳаммасининг тўйларини қўриб, онам билан 45 йил тотувликда умр кечирдилар. Афсус 69 ёшда бу оламдан ўтдилар. Ҳаёт бўлганларида ҳозир 88 ёшга тўлган бўлардилар. Ҳозирги кунда отамизни ёдга олиб, у кишининг ҳар бир гаплари хикमत, ҳар бир ишлари ибрат эканлигини фарзандларимизга фахр билан гапириб берамиз. Мен сабру матонатли, меҳри дарё ота ва онам билан фахрланаман. Улардек яшавадиган, фарзандларимга улар каби тарбия беришга ҳаракат қиламан. Инсондан олий ҳулқ ва қонил зурёдлар қолсагина шу одам энг бахтли инсон саналади. Отам ҳам шундай бахтиёр инсон эдилар. Улардан хушхулқ, соҳил ва соҳила фарзандлар қолди. Отамизнинг руҳлари шод бўлсин, у кишининг номлари биз фарзандлари, 55 неваралари, 24 эваралари хотирасида мангу яшайди.

Ҳа, инсон хотираси азиз ва муқаддасдир. Ўтганлар хотирасини ёдга олишдек энг олаҳонд фазилатлар ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Содиқхўжа ота ва Каримахон ая сингари пирю бадавлат бўлиб, фарзандлари ардоғида, эъзозда умр кечириб бахти ҳаммамизга насиб этсин.

Гулором ҲАМИДОВА

## МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАН

**II ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЭРКАКЛАР ЖАНГ МАЙДОНИДА ҚУРАШГАН БЎЛСАЛАР, АЁЛЛАР ФРОНТ ОРТИДА КЕЧАНИ КЕЧА, КУНДУЗНИ КУНДУЗ ДЕМАЙ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ҚИЛГАНЛАР. ЎША ДАВРНИНГ МАШАҚҚАТЛИ КУНЛАРИДА ТУРМУШНИНГ БОР ҚИЙИНЧИЛИГИ АЁЛЛАР ЕЛКАСИГА ТУШГАНИ ҲАМ АЙНИ ҲАҚИҚАТ.**

Ҳаётнинг машаққатлари, урушнинг даҳшатлари олдига босмай фидокорона меҳнат қилган Мамдуха опа Насриддинова ҳам ана шундай заҳматқаш аёллар сирасига кириди. Урушнинг дастлабки йилларида турмуш ўртоғи Исмомил акадан айрилган бу аёл бор аламини меҳнатдан олди. 26 ёшида икки боласи билан ёлғиз қолган Мамдуха опа аёл боши билан бутун бир жамоа ҳўжалигига раислик қилди. Тунлари ухламай далада аёлларга бош бўлиб меҳнат қилди. У ҳар қандай машаққатни фақат меҳнат билан енгишга ҳаракат қилди. Чегара одицери бўлган турмуш ўртоғининг ҳаёли билан яшаб, фарзандлари сиймосида фақат уни қўришга интилди.

Урушдан кейинги йилларда эса Мамдуха опа Тошкент «Матбуот» нашриёт корхонасига ишга кириди ва бу

ерда қирқ йилдан ортқ самарали меҳнат қилди. Бир қанча шогирдлар етиштириб, соҳа ривожига хисса қўшди. Унинг шогирдлари бугунги кунда матбуот соҳасининг энг фаол аъзолари сифатида фаолият юритмокдалар.

Мамдуха опа бугун ҳаёт бўлганида тўқсон ёшни қарши олар эди. Бугун опанинг шогирдлари унинг ёркин хотирасини эслаб, шудай жаннати аёлларнинг борлигига шуқрона келтирмокдалар. Зеро, юрт тинчилиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилганлар ҳаммаша халқимиз эъзозидадир.

Миробид ИНОЯТОВ,

Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти доценти

Инсон бутун умри давомида ўқийди, ўрганади, сабоқ олади дейишади. Бунда қўнмча ҳаёт ташвишу синовлари, ён-атрофдагиларнинг хулқ-аъвори, кексаларнинг хикматли сўзлари-ю насихатлари асос бўлса, энг қадри ва қимматли бўлган ота-онанинг бир-икки ширин сўзлари, фарзандлари учун аталган дилдаги самимий тилақлари, доно маслаҳатлари далда беради.

Дадам — ёзувчи Уктам Усмонов — 1990 йил январда 52 ёшида вафот этдилар, аям эса тўрт йил ўтган, 1994 йилда, энди нафақага чиққан пайтларда оламдан кўз юмдилар.

Биз учун, яъни Умида олам ҳамда Омон ва Хасан акаларим учун бу ҳаётимиздаги энг катта йўқотиш, фожива эди. Чунки айни етук ёшга етган, барчанинг хавасини келтирадиган бахтли ва мустақкам оила кўргонини бунёд этган ота-онамиздан жуда бўлган эдик. Натижада ҳаёт деган катта уммон олдига турган, турмуш чорраҳаларида қайси томонга йўл олишда ўйланиб қолган ўттиз ёшга чиқмаган фарзандлар учун бутун умр сенга улкан тоғ, устун, бекёёб давлат бўлган ота-онанг хотира бўлиб қолса... Лекин улардан бизга мерос бўлиб қолган фазилатлар — ҳаётга интилиш, қучли ирода, сабр-тоқат, баҳамжи-хатлик оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрнини эгаллашда ёрдам берди.

Дадам уч набиранинг суюкли босиб бўлишга улгурдилар. Онажоним эса Юлдузхон, Камолхон, Абдулла, Уктам, Даврон исми набиранларини эрқалаб, бағриларига босиб, «бувижон» деган ширин сўзларини эшитишга муяссар бўлдилар, лекин минг афсус, Хурсаной, Малика ва Хуршид набиранларини кўрмай кетдилар.

Ҳозирда энг катта набиранлари Юлдуз буваисининг изидан бориб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқроқ журналистика факультетида ўқимокда ва ўз соҳаси бўйича республика нашрлари

да ижод қилмоқда, сингисли Камол эса Тошкент шарқшунослик институтининг халқроқ иктисодий алоқалар факультетининг 3-курсидида аъло баҳолабга ўқимокда, катта акамнинг ўғли Абдулла эса Тошкентдаги Халқроқ Вестминстер университетидида давлат гранти асосида тахсил олмоқда. Кенжалари эса турли йўналишларда ўзларининг қизиқиш ва интилишларини намойиш этиб, ўрта мактаб ва академик лицейда сабоқ олмақдалар.

Қўнчилики таниқли кишилар ҳаёти, турмуши, феъл-аъвори, қизиқишлари, оилада қандай инсон

## ОТА-ОНАМ САБОҚЛАРИ

**ҲАР БИР ИНСОН НАФАҚАТ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ, БАЛКИ ЎТМИШДАН ҚОЛГАН ХОТИРАЛАРИ БИЛАН ҲАМ ЯШАЙДИ. КЕКСАЛИК ГАШТИНИ СУРА ОЛМАГАН, ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ЎЗ МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ЙЎЛИДАГИ ЮТУҚ ВА СИНОВЛАРИ, НЕВАРАЛАРИНИНГ УЛҒАЙИБ КАМОЛГА ЕТГАНЛИГИНИ КЎРА ОЛМАГАН РАҲМАТЛИ ОТАМ ВА ҚОЛАВЕРСА, УЛАРНИНГ БУТУН УМРЛАРИ ДАВОМИДА ДЎСТИ ВА ЕЛКАДОШИ БЎЛГАН ОНАМ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИМИ ИККИ САТР ДИЛ СЎЗЛАРИМДА ФИДОЛАШГА ЖАЗМ ЭТДИМ.**

бўлганлиги қизиқтиради. Дадам ҳақида ҳамкасблари, устоз ва шогирдлари, дўстлари кўп ёзганлар. Уларнинг қандай инсон бўлганлиги тўғрисида турли мақолалардан билиш мумкин. Аммо, ўйлайманки, ота ҳақидаги энг тўлиқ таассуротни фақат фарзанд ифода эта олади.

Дадамлар канчалик банд бўлишлариға, яъни ижодий фаолиятлари, давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокларига қарамай, ёшлигимиздан таълим-тарбияга биринчи даражали масала сифатида қараб, болани фақат она тарбиялайди, деган тушунчадан анча йироқ эдилар. Ҳамма нарсани тартиб бўлишини, саранжон-саршарталикни хуш кўрадилар. Нозик дидли, кичик бир деталларга ҳам эътибор берадиган, ҳар бир айтган сўзини энг илғоб оладиган инсон эдилар, натижада ҳар бир ҳаракатини, билдирилган фикриниғизга ўз муносабатини, баҳосини берад эдилар. Айнан шунинг ўзи, ўйлайманки, тарбия эди. Мактабда ўқиган келаримизда кундалик дафтарнинг текшириш ҳам, ота-оналар мажлисиға бориш ҳам, уй юмушларида онамизга ёрдам бери-

лат университетининг рус филологияси факультетида ўқитган кезларимда, ўқув дастури бўйича рус мумтоз ёзувчилари ва шoirларининг асарларини, улар ҳақидаги илмий мақолаларни ўқиш шарт эди. Уларнинг бирида мен Лев Толстой ҳақида бир қизиқарли далилни ўқиб, дадамларга айтиб берганимда, «қара, мен бу ҳақда билмаган эканман, жуда қизиқ», деб кундалик дафтарларига қайд қилиб қўйган эдилар. Оиламизда доимо ижодий муҳит ҳукм сурган, десам ҳам бўлади. Аксарият китобхоналарга таниш бўлган хикоялар, қисса ва айнан «Гирдоб» романининг дунёга келиш жараёнида онамизнинг ҳам, катта онамнинг ҳам муайян бир иштироки бор эди. Бугунги замонавий компьютерлардан олдин энг илғоб ҳисобланган ёзув машиналаридан чиққан қоралмалардаги тасвирлар, қаҳрамонларнинг ўй-ташвишлари, хиссиётлари илк бор турмуш ўртоқлари, ҳамкасблари, филолог ва таржимон, онажонимиз Шарифа Абдуразоқова эътиборига ҳавола этиларди.

Зухро УСМОНОВА

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ОРЗУЛАРИНГ УШАЛАВЕРСИН, ЮЛДУЗ!

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ТАБСИ ЭТИЛИШИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЎПЛАБ ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИНГ ИҚТИДОРИ, ҚОБИЛИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Ушбу нуфузли мукофот истеъдодли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол юғалари ва маданий-маърифий қадриятлари ҳаётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятини раҳбатлантириш имконини бермоқда.

Бу йил ҳам давлатимиз раҳбарининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизнинг бир гуруҳ иқтидорли қизлари мазкур мукофот билан тақдирланди. Улар қаторида Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи 11-синф ўқувчиси Юлдуз Файзий ҳам бор.

Юлдуз Тошкент шаҳрида, зиёли оиласида ўсиб улғайди. Унда адабиётга, санъатнинг сеҳрли оламиға меҳрининг бўйғоншида отаси, шoir Равайн Файзининг хиссаси катта бўлди. Онаси Жамила опа ҳам фарзандининг илми-

ли, китобга меҳри баланд бўлиб вояга етиши учун қуч-ғайратини аямоди.

Юлдуз 1997 йили 295-мактабнинг биринчи синфиға борди. Унинг қизиқувчанлиги, изланувчанлиги, тийрақлиги нафақат тенгқурлари, балки, ўқитувчиларнинг ҳам эътиборини тортиди. Бу жиҳатлар «Алифбе»ни тутимлай ўқиши, мақол ва маталлар, халқ дostonларидан парчалар, шёрлардан намуналарни бийрон қилиб ёддан айтишда яққол намоян бўларди.

Қизида истеъдод учқунини пайқанган онаси уни Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи сари етказди. Юлдуз лицейда адабиёт, санъат, тарих каби йўналишларда чуқурлашган тарзда таълим-тарбия олмоқда. Иқтидорли қизнинг билимлари янада бойиши, тафаккури ва дунёқарашининг тобора кенгайишида Зиеда Ҳайдарова, Ҳошимжон Аҳмедов, Абдулма-

лик Абдуалимов каби устозларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Юлдуз Файзийнинг Ватан, истиқлол, ёшлар камолоти ва истиқболини тараннум этувчи жўшқин шёрлари «Гулхан», «Ёш куч», «Тонг юлдузи», «Туркистон» каби газета ва журналларда нашр этилиб, адабиёт ихлосмандлари эътиборига тушди. Ўтган йиллар мобайнида «Кўнглим», «Кўнглим орузлар солган қишлоғим» каби шёрий тўпламлари нашр этилди. Унинг «Мен кутган баҳор», «Ота дуоиниғиз ушалди бугун», «Кўнглим», «Ҳаёт», «Дунё» каби шёрлари содда ва самимийлиги, дилга яқинлиги ва айни пайтда мурғак ва бегубор қалбнинг покиза туйғулари, орзу-умидларини ўзида ифода этгани билан ўқувчи эътиборини тортади. Бу шёрлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган «Кежаҳан овози — 2007» республика ёшлар танловида юқори баҳоланди. Юлдуз мазкур нуфузли танловнинг бадиий ижод ва публицистика йўналишида қолибликини қўлга киритди.

Юлдуз Файзий келгусида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидида ўқишни, журналист бўлишни орзу қилади.

Орузларинг ушалсин, Юлдуз!

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА МУҲБИРИ

## ХИТОЙДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ РЕСТОРАНИ ОЧИЛДИ

**ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА «ШОШ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ АРТ-РЕСТОРАНИ ОЧИЛДИ. МАЗКУР ВОҒЕА ТОШКЕНТНИНГ КЕЛГУСИ ЙИЛДА НИШОНЛАНДИГАН 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАДИ.**

Очилиш маросимида ХХРнинг турли вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий, илмий-тадқиқот муассасалари, ишбилармон доиралари вакиллари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этди.

Янги ресторан ҳақида ҳикоя қилар экан, Хитойнинг энг нуфузли нашрларидан бири — «Жэньмин Жибао», жумладан, бундай деб ёзади: «Шош» нафақат ўзбек, балки Марказий Осиё халқларининг энг мазали таомларини тақлиф этадиган Хитойдаги дастлабки ресторандан биридир. Ресторанга «Шош» деб ном берилган бежиз эмас. Келгуси йилда ўзининг 2200 йиллигини нишонлайдиган Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳри қадимда ана шундай аталган».

Айтиш жоизки, ресторан миқозлари ўзбек таомларидан тотиб қўриш баробарида юртимиз тарихи ва маданиятиға ошно бўлади. Бу ҳақда баён этиб, «Жэньмин Жибао» ресторани турли ранго-ранг минитюра асарлари, ганчорлик санъати намуналари, сўзана ва ўзбек халқ амалий санъати буюмлари, миллий либослар, халқ чолғу асбоблари ва тарихий суратлар билан безатилганини таъкидлайди. «Шош» Пекин аҳолиси ҳамда Олимпиада ўйинлари муносабати билан Хитойға келувчи меҳмонлар орасида катта шухрат қозониши шубҳасиз», — дея таъкидлайди нашр.

Ресторанинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган меҳмонлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, «Шош» нафақат хилма-хил тотли таомлардан баҳраманд бўлиш, балки ўзбек маданияти билан яқиндан танишиш ва бу бетакорр ўлканинг қадимиги ва шонли тарихи ҳақида таассурот ҳосил қилиш мумкин бўлган маскан эканини таъкидладилар.

Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари, профессор Дун Сяояннинг сўзларига кўра, ресторани келган ҳар бир инсон ўзини Шарқ нафосати ва гўзаллиги, меҳмондўстлигиғи очкиқўнглигиғи уфуриб турган ўзига хос дунёға тушиб қолгандек ҳис қилади. «Шош» — Ўзбекистоннинг Хитойдаги бир бўлагидир», — деди тадқиқотчи.

— Ўзбекистон маданияти ва санъатининг нафис асарлари, мазали таомлари ва кўнглига ажиб таскинлик баҳшида этувчи ўзбек куйлари бу ерга келган ҳар бир кишини ўзига мафтун этди, — дейди ХХР Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги ШХТ тадқиқотлари маркази бош қотиби, профессор Сун Чжуанчи. — Бу ерда мен Ўзбекистонда ўтказган кунларимни, фазли Ўзбекистон заманининг меҳмондўст ва самимий халқини ажиб бир мамнуният билан ёдга оламан.

«Жаҳон» АА.  
Пекин.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР БЕЛЛАШАДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10-11 МАЙ КҮНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН «АВТО ОЛАМ МАЛИКАСИ – 2008» РЕСПУБЛИКА КЎРИК – ТАНЛОВИ ОЛДИДАН МАТЕВУТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

Тадбирда ушбу кўрик-танлов ҳақида йилгиланларга батафсил маълумот берилди. Танловда республиканинг барча вилоятларидан 30 нафарга яқин автоҳаваскор аёллар шахсий ёки хизмат автоуловларидида иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Шифокор, ўқитувчи ва педагоглар, хусусий тадбиркорлар, ишчи, хизматчи, уй бекалари каби турли касб эгаларидан иборат ушбу танлов қатнашчилари тевт синиси, отиш (тир), ғилдирак алмаштириш, фигуралардан ўтиш ва биринчи тиббий ёрдам сингари шартларда беллашади. Мазкур спорт мусобақасидан кўзланган максд хотин-қизларни замон билан ҳамнафас бўлишини таъминлаш, фарзандларига автомобиль имкониятларини тушунтириш, ҳаракат хавфсизлигиға амал қилиш кўникмасини яратишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбирда таъкидланишича, автоуловларни бошқараётган хотин-қизлар ноқулай вазиятларда техникавий носозликка барҳам бериш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишда бевосита ўз билим ва салоҳиятиға эга бўлиши шарт. «Авто олам маликаси – 2008» республика кўрик-танлови қолибларига ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилади. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан амалга оширилаётган мазкур танлов аёлларни нафақат ўз иқтидорларини намоян этиши, шу билан бирга саломатликларини тиклаш ҳамда жамиятда фаол иштирок этишларини таъминлайди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,  
«Туркистон-пресс»

## Иқтисодиёт

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ИҚТИСОДИЙТИМИЗ РИВОЖИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИВОР — КИЧИК КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ ЎЗ САМАРАСINI БЕРМОҚДА. АЙНИҚСА, ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ БЎЛМОҚДА.**

Яқинда — 2007 йил охирида ташкил этилган «STEVIA vnuposi-plus» масъулияти чекланган жамиятида 5 нафар фуқаролар иш ўрниға эга бўлди. Мазкур жамият фаолияти бевосита усимлик моддалари кимёси институти билан ҳамкорликка асосланганлиги билан эътиборга лойиқ.

Ҳозирда маҳаллийлаштириш дастури асосида меҳнат қилаётган жамоа аҳли 10 турдаги настойкаларни ва таблетка ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу махсулотларнинг ҳар бири илмий лабораторияларда синчиқлаб текширувдан ўтказилди, тадқиқотлар натижалари чуқур ўрганилди. Уларнинг барчаси инсон саломатлиги учун хизмат қилиши кўзда тутилганлиги боис, биологик фаол қўшимчалардан иборатлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Жорий йил охириға чамаят аъзолари яна бир неча турдаги янги махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни эзгу максд қилишган. Бунинг учун эса она заманимизда шифобахш усимликлар етарли ҳисобланади, кимёгар олимлар билан самарали ҳамкорлик эса қўтилган натижаларға эришишда корхона жамоаси учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Футбол

«ҚУРУВЧИ» — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

КЕЧА ШАХРИМИЗДАГИ «МХС» СТАДИОНИГА ТАШРИФ БУЮРГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ОСМЕ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН «ҚУРУВЧИ» ҲАМДА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ «АЛ-ИТТИХОД» ЖАМОАЛАРИ ҲАМДА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ «АЛ-ИТТИХОД» ЖАМОАЛАРИ ҲАМДА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ «АЛ-ИТТИХОД» ЖАМОАЛАРИ ҲАМДА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ «АЛ-ИТТИХОД» ЖАМОАЛАРИ...

Шуни таъкидлаш жоизки, мутахассислар томонидан «Улим гуруҳи» деб таъинланган ушбу гуруҳда шу кунгача Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиход», Эрронинг «Сепакон» ва хатто Суриянинг «Ал-Иттиход» жамоаларида кейинги босқичга чиқиш имконияти сақланиб қолган, шу боис Миржазир Қосимов шогирдларига галаба сув билан хаводек зарур эди. Шу тўғрисида, тошкентликлар биринчи бўлиминг дастилаб дақиқаларида...

КУНДАЛИК ҲАЁТДА БАРЧА-БАРЧАМИЗ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНМИЗ, КЎЧАДА ПИЕДА ҲАРАКАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИДАН БОҲАБАР БЎЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ. АММО ҲАММА ҲАМ КЎЧА ТАРТИБИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТАВЕРМАЙДИ.



Танловлар

“ЯШИЛ ЧИРОҚ – 2008”

Бу борада ишларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳар йили республикамиз ўрта умумтаълим мактаблари ўртасида “Яшил чирок” кўрик-танлови мунтазам равишда ўтказиб келинади.

табдан ташриф буюрган голиб гуруҳлар, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати назорати бошкармаси масъул ходимлари, ўқитувчи-мураббийлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

этишлари, йўлни тартибга солувчининг шартлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш (амалий) ва назарий жиҳатдан, велосипедда шаклида бажариладиган автомобиль макетини яратиш, чорраха макетини тайёрлаш бўйича беллашди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Иброҳим Чориев олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲИҚМАТЛАР

Бекорчилик ва айш-ишрат фақат нодонликка олиб келади, айни вақтда, касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади.

Майни ози — даво, кўпи — зарар.

Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.

Бадантарбия кўплаб дори-дармоннинг ўрнини бошиши мумкин, лекин бирорта дори ҳам бадантарбиянинг ўрнини босолмайди.

Бадантарбияни тарқ этган киши кўпинча хароб бўлади, чунки ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади.

